

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 24 декабрь, №258 (3270) Чоршанба




Олий Мажлисда

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ).*
***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарди.***

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунининг Хоразм вилоятида ҳамда "Нотариат тўғрисида"ги қонунининг Фарғона вилоятида бажарилиши муҳокама қилинди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингандан сўнг суд ижрочиларининг фаолият доираси кенгайди. Уларга бир қатор процессуал ҳуқуқларнинг берилиши эса суд ҳужжатларининг ижроси давомида тарафларнинг ҳуқуқларини қонуний кафолатлаш билан бирга суд ижрочиларининг масъулиятини янада оширди. Уларнинг бевосита фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига барҳам берилди. Бу эса ижро ишларининг самарадорлиги ва сифати яхшиланишини таъминлади.

"Нотариат тўғрисида"ги қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Фарғона вилоятида муайян ишлар бажарилгани таъкидланди. Вилоят адлия бошқармаси, унинг ҳузурида тузилган малака комиссияси томонидан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоялашни таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар ўтказилган.

Йиғилишда ҳар икки қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш ва ижросини тўла таъминлашда камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА).***

Фанлар академиясининг 60 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз фанининг ўтмиши, бугуни ва истиқболига бағишланган икки кунлик илмий-амалий анжуман бошланди.

Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев анжуманни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ушбу шонли сана муносабати билан Академия аъзоларига, барча илмий ходимларига йўллаган табригида Фанлар академияси она-диёримизда қадимдан мавжуд бой илмий-маданий мерос ва анъаналарнинг табиий маҳсули сифатида пайдо бўлганига алоҳида эътибор қаратганини таъкидлади. Бугунги кунда бу даргоҳда фан, техника, маданият ва маърифат соҳаларида кенг кўламдаги фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Унинг таркибида бир қанча ноёб илмий-техник иншоотлар, кўплаб илмий-тадқиқот муассасалари, минтақавий бўлимлар, илмий марказлар ва музейлар фаолият юритяпти.

Жамиятимизда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ислоҳотлар жараёнида илм-фан ривожи муҳим ўрин тутади. Хусусан, тиббиёт фани тараққий этиши туфайли ташҳис қўйиш ва даволашнинг янада самарали усуллари амалиётга жорий этилмоқда. Бунинг натижасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, она ва бола ўлимини кескин камайтиришга эришилаётир.

Оби-ҳаёт, айниқса, иқтисодиётнинг асосий тармоғини қишлоқ хўжалиги ташкил этадиган мамлакатимиз халқи фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Фанлар академиясининг Сув муаммолари институти олимлари олиб бораётган тадқиқотлар жараёнида ушбу бебаҳо табиий неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлларини излашга асосий эътибор қаратилаётир.

Бу борадаги изланишлар натижасида томчилаб суғориш технологияси яратилди. Ҳозир бу усулдан фойдаланиб, Қизилқум саҳросида дастлабки қирқ гектарлик боғ барпо этилди. Институт олимлари айни кунларда Фан ва технологиялар марказининг етти, хорижий ташкилотларнинг ўн иккита гранти асосида сувни тозалаш, обиҳаёт ресурсларини баҳолаш, юртимизда мавжуд табиий ва сунъий кўллардан самарали фойдаланиш, гидротехник иншоотлар хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилган изланишларни давом эттираётир.

Анжуманда илм-фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланади.



## Саккиз ғолибдан бири

*Каратэ бўйича Туркияда бўлиб ўтган катталар ўртасидаги халқаро турнир ҳамюртларимиз учун омадли келди. Ўн бир давлат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада спортчиларимиз муваффақиятли қатнашдилар. Терма жамоамизнинг саккиз нафар татами устаси 9 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлар — туркияликлардан кейин иккинчи ўринни эгалладилар.*

**СУРАТДА: халқаро турнир совриндори Шерзод Қодиров.**

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

*Туркия Бош вазири Режеп Эрдоганнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакат сиёсий доиралари ва матбуоти томонидан кенг муҳокама этилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Туркиянинг барча сиёсий партиялари, ўзларининг Р. Эрдоган ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган муносабатидан қатъи назар, икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланишига самимий хайрихоҳ эканини билдирдилар.*

## Натижалар кутилгандан зиёда бўлди

Анқарага қайтгач, Бош вазир маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларига берган баёнотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан бўлган мулоқот натижаларини юқори баҳолади. Туркия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирар экан, музокаралар жудаям сермаҳсул кечганини ҳамда натижалар кутилгандан ҳам зиёда бўлганини қайд этди.

Р. Эрдоган Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий ришталарга асосланганини ҳамда уларни келажак авлод манфаатлари йўлида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириб бориш ҳар бир турк сиёсатчисининг бурчи эканини таъкидлади. У Туркиянинг Марказий Осиё мамлакатларига қаратилган сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллашини яна бир бор эътироф этди.

Етакчи турк нашрларидан бири бўлмиш «Ҳуррият» газетаси Р. Эрдоганнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очганига урғу берди.

«Анадолу» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро терроризмга қарши кураш борасида битимнинг имзоланиши ушбу соҳада йўлга қўйилган ҳамкорликнинг яққол намунаси экани ҳамда Ўзбекистон ушбу иллатни бартараф этишда Туркия тажрибасини қўллашдан манфаатдор экани хусусидаги сўзларини келтирган. Ислом Каримовнинг «Терроризм мафкураси, уни режалаштирувчи ва молиялаштирувчи марказларга қарши курашиш лозимлиги» тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тўлиқ қўллаб-қувватланган.

Туркияда чоп этиладиган нуфузли «Миллият» газетаси «Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашдаги аҳамияти беқиёсдир», деб таъкидлайди.

Олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия битимлари мамлакатнинг ишбилармон доираларида ижобий акс-садога сазовор бўлди. Хусусан, «Тюркиш дейли ньюс» газетасида Р. Эрдоганнинг қуйидаги баёноти келтирилади: «Турк ишбилармонлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёдаги товар ишлаб чиқариш ва савдо марказига, Туркия эса ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқиш жойига айланиши мумкин».

Самарқандга бўлган зиёрат тўғрисидаги саволларга жавоб берар экан, Р. Эрдоган шу пайтгача фақат китоблардагина мутолаа қилган цивилизациянинг гувоҳи бўлиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади. Шу жумладан, у ўзбек халқи ушбу маданий меросни келажак авлод учун ҳам сақлаб қолишига ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА).***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда жорий йил якунлари муҳокама этилиб, 2004 йил — Меҳр-мурувват йилида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Унда "Обод маҳалла йили" дастурида белгиланган вазифалар бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, ёшларни турмушга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Болалар спорти ҳамда оилавий спортни ривожлантириш, қизларни турли спорт ва соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш яхши самара бермоқда. Жумладан, синхрон сузиш, бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда юртимиз қизларининг яхши натижаларга эришаётгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фуқаролик онгини оширишда Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор янада кучайтирилаётир. Бунда турли давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, ўқув семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

**Россия пойтахти — Москва шаҳрида ўтказилган VIII анъанавий "ИнтеллекТ" йиллик олимпиадаси ниҳоясига етди. Ломоносов мак-**

## Дилноза – Москва олимпиадаси совриндори

**табиа ва рационал ўқиш мактаби томонидан Москва ҳукумати таълим департаменти билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу танловда Ўзбекистон вакили — Самарқанд шаҳридаги 10-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилноза Маматқулова муносиб қатнашди.**

**Халқаро олимпиада саволларининг мураккаблигига қарамай, Дилноза Маматқулова ўз иқтидорини намойиш этди ва ҳакамларнинг аъло баҳоларига сазовор бўлди. Жиддийлиги ва тиришқоқлигига мукофот тариқасида ўзбекистонлик қизча "Ғалабага бўлган иродаси учун" соврини билан ҳам тақдирланди.**

**Музаффар ЗОҲИДОВ, "Жаҳон" АА, Москва.**

## ДАСТУР САМАРАСИ

Мамлакатимиз тарихида «Обод маҳалла йили» сифатида из қолдираётган 2003 йил охирлаб бораяпти. Жорий йил фақат қоғозларда белгиланган дастурларни рўёбга чиқаришдагина эмас, балки амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишлари кўлами жиҳатидан ҳам чинакамига обод маҳалла йили бўлди. Бу «Обод маҳалла йили» дастурининг Фарғона вилоятида бажарилиши муҳокама қилинган вилоят Кенгаши сессиясида ҳам алоҳида таъкидланди.

Сарҳисобларнинг кўрсатишича, маҳаллаларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамияти, миллий қадриятлар, анъаналар, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузи ортган, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим қадамлар қўйилган.

«Обод маҳалла йили» дастури бўйича вилоятда 62 та маҳалла гузари барпо этиш режалаштирилган эди. Ҳозиргача эса 104 та янги гузар бунёд этилиб, аҳиллик қўрғони, меҳр-оқибат масканига айлантирилди. Мамлакатимизда ягона ҳисобланган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Маҳалла маркази» фаолият кўрсатаяпти. У билан йирик маҳаллалар гузарлари ўртасида компьютер алоқаси ўрнатилган. Тошлоқ туманидаги «Конизар» маҳалласи ўрамида тадбиркор Олимжон Қодиров шахсий маблағи ҳисобига қурган гузар 8 минг кишилик аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида саховатпеша кишилар томонидан гузарлар, марказлар бунёд этилмоқда.

Сессияда вилоят ҳокими А.Отабоев нутқ сўзлади.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

Пойтахтимизда



## Ишбилармонлик одоби

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида "Бизнес-этика — самарали бошқарув" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

АҚШнинг мамлакатимиздаги савдо палатаси ҳамда мазкур давлат Тижорат департаменти кўмагида ташкиллаштирилган анжуманда "Бизнес одоб-ахлоқи нима?","Америка компанияларида корпоратив бошқарув дастури"каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда иштирок этган Inter Concepts Incorporated компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Чарльз Л.Радд тингловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ўсимликлар ҳимояси — долзарб мавзу

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.ДАВЛАТОВ).***

Тошкент давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзқишлоқхўжаликкимё" компанияси ҳамкорлигида ўсимликлар ҳимоясига бағишланган ўқув семинари бошланди. Унда жойларда ўсимлик ҳимояси билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этмоқда.

Анжуманда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев сўзга чиқиб, келгуси йили қишлоқ хўжалиги мавсумида экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, бу борада жорий йилда йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқариб, сифатли биологик маҳсулот ҳамда самарали кимёвий воситаларни етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Олти кун давом этадиган ушбу семинарда экинларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни такомиллаштириш йўллари ҳамда соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар натижаларининг амалиётга жорий этилиши таҳлил этилади, мутахассисларнинг маърузалари тингланади.

Жойлардан хабарлар

## Уйчи толаси — хорижга

**«Уйчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилда ўн тўртта ширкат ва 112 та фермер хўжалигидан қабул қилинган ҳосил ҳисобидан ҳозиргача беш юз тўқсон тўрт тонна тола ишлаб чиқарди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

**Ялпи маҳсулот ҳажми 4 миллиард 33 миллион 647 минг сўмни ташкил этди. Тайёрланган толанинг асосий қисми Швеция, Швейцария, Бельгия, Италия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.**

## KALA Ўзбекистонда

**Тошкентдаги Замонавий санъат марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан «KALA Ўзбекистонда» номли кўргазма очилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

**Кўргазма доирасида Тошкент ва Самарқанддаги санъат институтларида «KALA институти: тарих, рассомлар, асарлар», «Калифорнияда босма графика таҳлили» ҳамда «АҚШда рассомлар дастури ва уларнинг ишлари» каби мавзуларда маърузалар ўқилади.**



## «Шарафли йўл»

**"Ўзбеккино" давлат акционерлик компаниясининг ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган "Шарафли йўл" деб номланган янги фильм яратилди.**

**Ўзбекистон Фанлар академияси Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли илмий марказ ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, халқимизнинг улкан интеллектуал салоҳиятини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Фанлар академияси бой қадимий анъаналар, кўплаб илмий кашфиётлар ва маънавий маданиятнинг табиий давомчисидир. Буни халқаро эътирофга сазовор бўлган Маъмун академияси, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Фарғона водийсидаги илмий марказлар мисолида кўриш мумкин.**

**Янги фильм мустақиллик йилларида Фанлар академияси фаолияти муҳим аҳамият касб этгани, олимларимиз меҳнати мамлакат раҳбарияти томонидан доимо қўллаб-қувватланаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Натижада республикамизнинг илмий-техника салоҳияти сақлаб қолиниб, шу билан бирга, уни жаҳон андозалари даражасида ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар кенгайди.**

**Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим сценарийси асосида режиссёрлар Шуҳрат Аббосов ва Шуҳрат Қурбонбоев, оператор Абдулла Тўлаганов суратга олган "Шарафли йўл" фильми Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида намойиш этилди.**

**Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Анонс!*



*Йил якуни:*

## Сиз нимани кутаяпсиз?

Мана, 2003 йил ҳам якунланмоқда. Ўтган вақт ичида жойларда амалга оширилган ислоҳотлар қандай самара берди? Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммоларни ечиш, шу билан бирга, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қай даражада эриша олдик? Умуман, ҳар жабҳада қўлга киритилган ютуқлар бизни қаноатлантира оладими?

Бу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, ишонамизки, келгусидаги ишимизда, яқин истиқболга мўлжалланган режаларни аниқ-тиниқ белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳисобга олиб, таҳририят «Якун: таҳлил, тажриба, ташаббус» деб аталувчи рукн очишга қарор қилди. Бу рукн остида берилаётган биринчи мақола Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришларга бағишланади.

(2-саҳифага қаранг)



## Эҳтиром

**Юртимизда ибратли шахсияти, катта, сермазмун ҳаёти, Ватан ва халқ фаровонлиги йўлида қилаётган ҳалол, ғоятда самарали ва фидойиларча меҳнати билан ҳамманинг чуқур меҳр-эҳтиромини қозонган ажойиб одамлар бор. Шу кунларда табаррук 75 ёшга тўлган Оқил Умрзоқович Салимов ана шундай муҳтарам инсонлардан биридир.**

# УСТОЗ

Устоз тўғрисида биринчи сўзимиз шуки, у киши сўзнинг чин маъносида исми-жисмига ниҳоятда монанд одам. Устоз серғайрат ёшлигини илм-фанга, янада аниқроғи, автомобилсозлик фани ва амалиёти равнақига бағишлади. Техника фанлари номзодлиги учун муваффақиятли ёқлаган илмий ишидан кейин техника билан боғлиқ бир неча фанларнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи бўйича илмий ва амалий изланишларни давом эттириб, техника фанлари докторлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Бу илмий ишнинг натижалари ҳозирги вақтда ҳам халқ хўжалигида кенг қўлланилмоқда. Автомобиль двигателининг қуввати ошиб боришида, юқори фойдаланиш коэффициентига эга бўлган янги генераторларнинг ишлаб чиқарилишида ҳам О. У. Салимов илмий тадқиқотларининг муносиб ҳиссаси бор. Бу тадқиқот натижалари мамлакатимиз Фанлар академиясининг физика-техника ва математика бўлими фундаментал илмий-тадқиқот ишларининг узоқ муддатли режасига киритилгани ҳам бежиз эмас. Оқил Умрзоқович вақти келиб Ўзбекистонимизда ҳам автомобилсозлик саноати ривожланишини орзу қилиб яшади. Олимнинг орзулари мустақиллик йилларидагина рўёбга чиқди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг юксак даражадаги саъй-ҳаракатлари билан, мана, бугун Ўзбекистон дунёдаги 28 та автомобилсозлик давлатидан биттаси саналади. Оқил Умрзоқович шу соҳанинг фидойиларидан эканлиги учун юртимизнинг бу йўналишдаги равнақидан ниҳоятда мамнун бўлиб юрибдилар. Оқил ака ўз илмий тадқиқотларининг самараси сифатида 80 га яқин илмий асарларини нашр эттирди ва ихтиролари учун учта муаллифлик шаҳодатномасини олди. Унинг таҳрири остида русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча терминологик луғатлар нашр қилинди. Устознинг илмий раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқди.

Оқил Умрзоқович атоқли олим бўлиш билан бирга мамлакатимиз зиёли жамоатчилиги ўртасида шу қадар атоқли мураббий-устоз ва йирик ташкилотчи сифатида ҳам танилганлар. Аввало, у киши Ўзбекистонда автомобилшунослик фанини ва худди шу йўналишдаги олий таълимни шакллантириш бўйича йирик олим ва педагогдир. Устоз бундан чорак аср аввал Тошкент политехника институтида автомобил-йўллар факультетининг ташкил этилишида ташаббускор бўлган эди. Шундан кейинги йилларда бу факультет асосида Тошкент автомобил-йўллар институти барпо этилди. Мазкур таълим муассасаси ҳозирги кунда ҳам Марказий Осиё минтақасида соҳа бўйича малакали кадрларни етиштирувчи таянч илм маскани ҳисобланади.

Кўп йиллар мобайнида олий таълим тизимида ишлаб, катта тажриба орттирган Оқил Умрзоқович истиқлол даврида бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ етук кадрлар тайёрлаш ишларини йўлга қўйишда фаол меҳнат қилди. Буни Оқил ака Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳамда Тошкент давлат техника университетида раҳбарлик қилган вақтларида тарбиялаб етиштирган юқори малакали мутахассислар мисолида яққол кўриш мумкин. Бу шогирдларнинг устозга миннатдорчилиги чексиз. У киши қайси олий таълим муассасасида ишласа, ўша жойдаги ўқув жараёнига энг илғор педагогик технологияларни жорий этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда Оқил Салимов Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири сифатида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, бу йилларда узлуксиз таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар ва мутахассисларнинг замон талабларига мувофиқ даражада малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш йўналишларида қизғин ташкилотчилик ишлари билан шуғулланди.

Истиқлол йилларида маърифат ва маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, олий ўқув юртларида ҳам инсон маънавий камолотини шакллантиришга хизмат қилувчи фанларга эътибор кучайди. Бу фанларнинг нуфузини ошириш ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми эканлигини яхши тушунган Оқил Умрзоқович республикамиздаги барча олий ўқув юртлари учун ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалар, дарсликлар, услубий ишланмаларни яратиш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳамда мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи плакатлар, альбомлар, стендлар, видеофильмлар чиқарилишида толиқмай, беназир хизмат қилиб келмоқда. Бу йўналишдаги фаолиятини изчил давом эттирмоқдалар.

Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Олий мактаб халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистон бўлими президенти, фан арбоби, техника фанлари доктори, академик Оқил Умрзоқович Салимов фақат ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги билан эмас, балки инсонпарварлиги, қалби меҳр-мурувватга бойлиги, ёш авлодларга чуқур меҳр-муҳаббати ва уларнинг таълим-тарбиясига сидқидилдан фидойилиги билан ҳам сафдошлари ва шогирдларининг чуқур эҳтиромини қозониб келмоқда. Республикамиз олий таълим тизимида бундай ажойиб инсон борлигидан ҳаммамиз фахрланамиз.

Ҳаётларидаги қутлуғ кун муносабати билан биз муҳтарам устоз, атоқли олим, улкан тажрибали ташкилотчи ва мураббий Оқил Умрзоқович Салимовни чин кўнгилдан самимий табриклаймиз. У кишига узоқ умр, бардам кайфият, илмий-педагогик фаолиятларида янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

**Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазири.**
**Михли САФАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## Минтақавий ўқув курслари

Маълумки, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 18-моддасига биноан 2004 йил 1 январдан бошлаб суд бошқарувчилари (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) банкротлик ишлари бўйича аттестациядан ўтишлари лозим. Шу муносабат билан Урганчда республика Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошидаги Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида Хоразм ва Қорақалпоғистон бўйича минтақавий махсус ўқув курслари бошланди. Бунга Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан суд бошқарувчилари жалб этилди. Мазкур ўқув курси 4 та модулдан иборат бўлиб, малака оширувчиларга республикамизнинг етакчи ўқитувчилари ва мутахассислари сабоқ берадилар. Тингловчилар курс якуни бўйича тест имтиҳонлари топширишади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Қилмиш — қидирмиш

## Овлоқдаги олғирлар

Текин томоқнинг таъми бошқа, еганларнинг боши қашқа, дейдилар. Холмурод Ярашевнинг боши ҳам, юзи ҳам қашқа. Нега десангиз, у Қизилтепа туманида «ихтисослашган» ўғри сифатида «машҳур» одам.

Ахир, бир кечада икки ўғирликка унча-мунча «уддабурон» қўл уриши қийин-ов. Бироқ Холмурод буни эплади. Шу йилнинг 12 июлига ўтар кечаси «Латиф» фермер хўжалиги буғдойзоридан Б. Қурбоновга тегишли сигирни, «Меҳнат – роҳат» ширкат хўжалиги, Оқсоч қишлоғида яшовчи О. Нарзиевнинг ғунажинини бирданига «гумдон» қилди-да

Холмурод ҳозир 35 ёшда, 2 фарзанднинг отаси. Қаерлардадир санқиб юриши, кечаси алламаҳалда уйига кириб келишидан хотини ҳам безиб қолган. Тергов давомида ана шу устаси фаранг «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида яшовчи Д. Наврўзовнинг сигирини ўғирлаб кетиб, сотиб юборгани маълум бўлди.

«Ўғрига мол юқмас, эчкига қуймоқ» деганлари шу-да. Холмурод қилмишидан қанчалик пушаймон бўлмасин, қонуний жазосини олди.

Нурота шаҳрида яшовчи Насриддин Раҳмонов қизилтепалик «дўсти»дан асло қолишмас экан. У ҳам тоғни урса талқон қилгудек куч-ғайратини бошқа ишга сарфлабди, эгри йўлни танлабди, ўғирликни касб айлабди.

Август ойи бошларида у Файзулла Хўжаев номли ширкат хўжалигига қарашли «Кепаксой» яйловида ўтлаб юрган қўйларни кўз остига олади. Пана-пастқам жойлардан юриб, К. Жуманазаров отари томонга ўтади. Атрофни синчиклаб кузатгач, икки бош семиз қўйнинг оёқларини боғлаб, яширади. Қоронғида қўйларни Нуротага олиб келади. Сўйиб, таниш қассобга энди топшираман деганда...

Ёмон йўлдан юрган туя чўкар, деган гап бор. Ҳаётда ёмон, қинғир йўлдан юрган одам, барибир, қилмишига яраша жазо топади. Шунда унинг ҳолига вой. Эсиз умр, эсиз одамгарчилик, дегингиз келади. Бу ёруғ дунёда пок виждон, мустаҳкам иймон билан яшаб ўтганга не етсин! Афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек тушунмас экан.

**Абуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари!




«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

2004 йилнинг январь ойидан




«ТОШКЕНТ-САМАРҚАНД-ТОШКЕНТ»



йўналиши бўйича ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат, юқори қулайликларга эга бўлган тез юрар йўловчи поезд қатновини йўлга қўйди.

Йўловчи поезд автомобилга нисбатан юқори тезликда ҳаракатланиб, сизни қисқа вақтда Тошкентдан Самарқандга ва Самарқанддан Тошкентга элтиб қўяди.

Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан қулай юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.



Сафар мобайнида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.

Қисқа муддатли сафар давомида сизга керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Бундан ташқари, хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқий клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.

Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.

Мазкур йўналиш Ўзбекистон меҳмонлари, саёҳатчилар ва юртдошларимизга Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор тарихий обидалари билан яқиндан танишишга имкон яратади.

Сафарингиз мароқли ўтсин!

